



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 16 ноябрь, № 237 (7195)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги лойиҳалар одамлар турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислохотлар, олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 15 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида ҳудуд иқтисодий тараққиотини ривожлантириш, ижтимоий шароитларни яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирларни белгилаб берган эди. Утган даврда ҳудудда қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Президентимиз дастлаб Нукус халқаро аэропортида амалга оширилган модернизация ишларини кўздан кечириди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил январ ойидаги ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижроси доирасида бу ерда қарийб 80 миллиард сўмлик иш бажарилган. Аэропорт биноси реконструкция қилиниб, терминал кенгайтирилган, замонавий жиҳозланган.

Шавкат Мирзиёев Нукус халқаро аэропорти Қорақалпоғистон иқтисодий ривожлантириш, бизнес алоқаларини кенгайтириш, туристлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Президентимиз Мўйноқ туманига ташриф буюрди.

Кейинги йилларда ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш бўйича бажарилган манзилли чора-тадбирлар натижасида одамлар турмуш даражаси сезиларли ошди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 февралдаги "2017-2018 йиллар даврида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, тўқимачилик, фармацевтика ва электротехника маҳсулотлари, томчиликта суғориш ускуналари, пластмаска кувлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, балиқчилик ва туризмни ривожлантириш бўйича имкониятлар ишга солинди.

2019 йилда Мўйноқ туманида яна қўлаб — санаот соҳасида 12 та, қишлоқ ҳўжалигида 5 та, хизмат кўрсатиш бўйича 14 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Ижтимоий соҳа объектлари қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳалар билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Оролбўйи халқаро инновация маркази тақдимида унинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти алоҳида таъкидланди. Ушбу инновация маркази Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24 август куни бўлиб ўтган Оролни кўтариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг мажлисида билдирган ташаббуси натижасидир. Ушунда Президентимиз Оролбўйи ҳудудига инновация оқимлар ва ҳорижий инвестицияларни жалб этиш, "яшил иқтисодий"ни ривожлантириш, илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ва бошқа масалалар бўйича муҳим тақдирларни илгари сурган эди.

Кўп ўтмай, 2018 йил 16 октябрь куни Ислам тараққиёт ва Шўрчанлик шароитида бидеҳўрчилик халқаро марказининг илмий-техник кўмағида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Оролбўйи халқаро инновация маркази таъминлаш бўйича муҳим тақдирларни илгари сурган эди.

Кўп ўтмай, 2018 йил 16 октябрь куни Ислам тараққиёт ва Шўрчанлик шароитида бидеҳўрчилик халқаро марказининг илмий-техник кўмағида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Оролбўйи халқаро инновация маркази таъминлаш бўйича муҳим тақдирларни илгари сурган эди.

Президентимиз Мўйноқ туманига ташриф буюрди.

Кейинги йилларда ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш бўйича бажарилган манзилли чора-тадбирлар натижасида одамлар турмуш даражаси сезиларли ошди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 февралдаги "2017-2018 йиллар даврида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, тўқимачилик, фармацевтика ва электротехника маҳсулотлари, томчиликта суғориш ускуналари, пластмаска кувлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, балиқчилик ва туризмни ривожлантириш бўйича имкониятлар ишга солинди.

2019 йилда Мўйноқ туманида яна қўлаб — санаот соҳасида 12 та, қишлоқ ҳўжалигида 5 та, хизмат кўрсатиш бўйича 14 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Ижтимоий соҳа объектлари қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳалар билан танишди.

Мўйноқнинг мавжуд салоҳияти, табиий имкониятларидан фойдаланиб, керакли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар берди.

Масалан, Мўйноқда қамши кўп. Уни қайта ишлайдиган корхоналар ташкил этиб, бозорбop қурилиш материаллари тайёрлаш, ёшларни иш билан таъминлаш мумкин. Худуднинг яна бир имконияти — сув ҳавзалари. Уларда балиқчиликни ривожлантириш, балиқчи қайта ишлаб сотиш орқали оилаларга баракани қиради.

Мўйноқда чорвачилик, айниқса, эчкичиликни ривожлантириш ҳам мумкин. Эчки ҳар қандай муҳитга яхши мослашади, озуқа танламайди. Унинг жундан кундалик эчки товуқлари тайёрлаб сотиш хотин-қизлар учун иш ўрни бўлади.

Орол фожиясидан энг кўп зарар кўрган асли шу — Мўйноқ аҳолиси, деди Шавкат Мирзиёев. Уларнинг сабр-қаноати, ватанпарварлиги, меҳнатқашлиги учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак.

Шу боис Президентимиз келгуси икки йилда Мўйноқда 20 та кўп қаватли уй қуриш, янги шаҳарча барпо этиш бўйича топшириқ берди. Бу ерда замонавий шаҳарсозликдаги барча янгиликларни жорий этиш, намунавий инфра-тўқимачиликни ривожлантириш каби вазифалар унинг асосий мақсади этиб белги-ланди.

Хозирги кунда бу мақсадлар учун Инновация ривожлантириш вазирлиги, халқаро ташкилотлар, жумладан, Франция тараққиёт агентлиги маблағлари йўналтирилмоқда. Худуд ҳаёти учун яна бир аҳамиятли лойиҳа Урмон ҳўжалиги давлат кўмитаси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан Орол денгизининг қуриган тубида 500 минг гектар ўрмон барпо этиш бўйича лойиҳаларга катта қувонч бағишлади.

Давлатимиз раҳбари Қонлиқул туманида барпо этилган "Kanteks invest" тўқимачилик корхонаси билан танишди.

Президентимизнинг 2017 йил январь ва декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Қонлиқул туманида йирик тўқимачилик корхонаси ташкил этиш лойиҳаси тақдим этилган эди. Утган вақт мобайнида корхона учун 10 гектар ер ажратилиб, бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Корхонани барпо этиш ен-

гил санаот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тажрибали бўлган "Kanteks invest" МЧЖ томонидан амалга оширилди. Натижда яқдоқ ерда замонавий тўқимачилик фабрикаси қад ростлади.

Айни пайтда корхонага Германия, Швейцария, Туркия ва Хиндистондан сўнгги руланди тўқимачилик дастоқлари келтирилиб, ўрнатилиш ишлари олиб боришмоқда.

Лойиҳа қиймати 38,7 миллион АҚШ доллари бўлган корхонани келаси йил биринчи чорагида ишга тушириш мўлжалланган. Бу ерда дастлабки босқичда йилга 11 минг тонна сифатли калава иш ишлаб чиқарилади. 2020 йилда рўёбга чиқариладиган навбатдаги босқичда тўқимачилик матоси тайёрлаш, 2021 йилда амалга ошириладиган учинчи босқичда бўйш ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Корхона тўла қувват билан ишлаб чиқариш, йилга қиймати 25 миллион АҚШ долларида зиёд маҳсулотни экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари қорхонанинг ишлаб чиқариш босқичи билан танишди.

650 га яқин киши иш билан таъминланган фабрика учун буғини кунда ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа, шу ернинг ўзиде ташкил қилинган ўқув марказида ўқитилмоқда, шунингдек, бошқа ҳудудлардаги корхоналарда билим ва малакаси оширилмоқда.

Шу ерда Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий лойиҳалар тақдими то'ўказилди.

Қорақалпоғистон Республикасида калава иш экспортини кайтайтириш, жинси матоси, момик сочик ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экин майдонларини кластерларга бериш, ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини ошириш ҳақида сўз борди. Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш тақдирлари уюмасини ишга амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, жумладан, ноябрь ойида фаолият бошлаган "Lanko Miya" МЧЖ қўшма корхонасида қизилмия экстрактидан Европа бозори учун мўлжалланган қандолат маҳсулотлари, шоколад учун ингредиентлар ишлаб чиқариш лойиҳаси давлатимиз раҳбариде катта қизиқиш уйғотди. Қорақалпоғистонда қизилмия

плантацияларини кўпайтириш, хорижий шериклар билан водород пероксида заводини ишга тушириш, инвесторлар учун боғхона тўлови, маҳсулотни стандартлаштиришни энгиллаштириш, "Нукусфарм" ЭИЗда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

Ўзбекистоннинг Хитой, Жанубий Корея, Япония, Кувайтдаги элчихоналари томонидан ушбу давлатлар билан амалга оширилаётган лойиҳалар тақдими таъминоти эътиборли жиҳати бўлди. Президентимиз топшириги асосида элчихонамиз томонидан ушбу мамлакатлар билан Қорақалпоғистонда йирик лойиҳаларни амалга оширишга киришилгани, жумладан, жалб қилинаётган инвестициялар ҳисобида замонавий автоматлашган цемент ва локбўёқ заводлари ишга туширилиши ва бошқа катта ҳажмли лойиҳаларни татбиқ этишга киришилгани қайд этилди.

Қорақалпоғистон келгуси 2-3 йилда бутунлай ўзгариши керак. Элчилар келиб, бу ерда уй-жой, йўл инфратузилмаси, таълим, ижтимоий соҳа, сув таъминоти каби йўналишлар бўйича инвестиция лойиҳаларига тақдирлар бериши зарур. Энг муҳими, ушбу ишларнинг самараси қорақалпоғистонликлар ҳаётида сезилиши керак, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, узумчилик кластерлари ташкил этиш ҳисобида ушбу тармоқларни ривожлантириш, хориждан тўридан-тўри инвестициялар жалб қилишни кўпайтириб, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, худуднинг экспорт салоҳиятини юксалтириш юзасидан мутаассадларга зарур кўрсатмалар берди.

Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, янги замонавий тиббиёт муассасалари бунёд этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинаётди.

Бу борада Оролбўйи аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган 2017-2018 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, мазкур дастур асосида 36 объектда 84 миллиард сўмликдан зиёд иш ба-

жарилди, 2,8 миллион долларлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. 2 минг 365 шифокор Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида, 53 шифокор хорижда малака оширди. 72 замонавий автотранспорт воситаси келтирилди.

"Кўнғирот" овул фуқаролар йиғинидаги 23-оилавий поликлиника ҳам жорий йилда реконструкция қилинди. УТТ, ЭКГ, биокимёвий анализатор каби замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Шавкат Мирзиёев мазкур оилавий поликлиникада яратилган шароитлар билан танишди.

Муассаса "Кўнғирот", "Шуманай", "Қангли" овул фуқаролар йиғинлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Полиликникада 5 ўринли стационар ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш шохбаси ташкил этилган. Аёллар маслаҳатхонаси, ижтимоий дорихона, фитобар аҳоли хизматиде.

Президентимизга мобил офтальмологик клиника фаолияти ҳақида ҳам маълумот берилди. "Isuzu" автобусида ташкил этилган ушбу мобил клиника кўз касаллигига чалинган беморларни жойларда чўқур текширувдан ўтказиш ва даволашда муҳим аҳамият касб этади.

Шавкат Мирзиёев аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилишини, айниқса, хотин-қизлар ва болалар соғлиғи учун барча шароит яратилишини таъкидлади.

Президентимиз Кўнғирот туманидаги "Wunderkinds in Kungirad" мактабгача таълим муассасасида бўлди. Давлатимиз раҳбари фарзандларимиз тарбиясининг биринчи ва муҳим бўғини — мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тақомиллаштиришга доимий эътибор қаратиб келади.

Кўнғирот тумани "Кўнғирот" овул фуқаролар йиғини ҳудудиде жа йо йла ш га н "Wunderkinds in Kungirad" давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасасига 90 дан зиёд бола қамраб олинган.

Мазкур боғча жорий йил 7 ноябрь куни фаолият бошлаган. Тадбиркор Дилноза Абдуллаева март ойида ҳудуддаги ташландиқ бинони "ноль" қийматиде олиб, уни замонавий мактабгача таълим муассасасига айлантирди. Бунинг учун "Ўзсаноаткурилишбанк"дан 1,5 миллиард сўм кредит ажратилди. 500 миллион сўм ўз маблағини сарфлади. Боғчада болаларга рус, инглиз тиллари интерфол усулларда ўргатилади. Спорт тўғрисидаги мажмуи.

Давлатимиз раҳбари боғчада болаларга яратилган шароитлар билан танишди, ходимлар билан мулоқот қилди.

Фарзандларимизни болалигидан соғлом, ақли қилиб тарбиялаш, эртага мактабгача билимли ёшлар келади. Мактабни ўқувчилар ҳар томонлама билимли бўлиб битирис, институтларимизга илм-маърифатли, маънавиятли ёшлар боради, мамлакатимиз учун яхши кадрлар етишиб чиқади. Шунинг учун мактабгача таълим доим дўққатимиз марказида бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимизга Қорақалпоғистонда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва кўзда тутилаётган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давом этмоқда.

Матназор ЭЛМУРДОВ, Зийдулла ЖОНИБЕКОВ, Есимхон ҚАНОАТОВ, Ўза махсус муҳбирлари.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУҲБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



БЮДЖЕТНОМА ЛОЙИҲАСИДА НИМАЛАР НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА?

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент қўйи палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Давлат бюджетни ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг жорий йил 9 ойлик якунлари бўйича ижроси ҳамда келгуси йилга мўлжалланган Бюджетнома лойиҳаси муҳокама қилинди. Депутатлар асосий эътиборни аниқ фактлар ва рақамларга қаратишди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилгани сақлаб қолинган. Бинобарин, таълим муассасалари таъминоти, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, кам таъминланганлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган маблағлар Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларини амалга оширишга доир вазифаларнинг самарали ҳал қилинишига ҳам хизмат қилаётгани алоҳида айтиб ўтилди. Муҳокамалар бўлишида бюджет ижроси борасидаги яна бир қатор масалалар кўтарилди.

Мисол учун, фракция аъзоси К. Каромова онкогематология онкологик касаллик ҳисобланганини билдирар экан, бунинг учун энг зарур бўлган тромборасодник препарати юртимиздаги бирорта дорихонадан топилмаслигини қайд этиб ўтди. Унинг фикрича, онкологик касалликлар Вазирлар Маҳкамасининг тегишли

хужжатида кўра, бепул даволанди. Лекин онкогематология борсангиз, бу ерда пуллик хизмат давом этапти. Мазкур хасталикни даволашнинг бир курси 30 — 40 миллион ташкил қилади. Бир бемор олти курслик даво муолажасини оладиган бўлса, энди унинг аҳолини тасаввур қилаверинг. Шу ўринда депутат худудларда онкогематология филиалларини ташкил этиш юзасидан ўз фикрларини айтди.

Давлат бюджетни лойиҳасида 2019 йилда соғлиқни сақлаш учун ажратилаётган маблағ ҳажми 12 трлн. 88 млрд. 2 млн. сўмни ташкил қилади. Бу 2018 йилдаги нисбатан 30,5 фоиз зиёддир. Хусусан, фуқароларга энг керакли доридармонлар учун харажатлар 16 фоиз оширилмоқда. Йиғилишда ушбу рақамларга алоҳида аҳамият қаратилди.

МУАММОЛАР ФАҚАТ АЙТИЛИШИ ЭМАС, ҲАЛ ЭТИЛИШИ ҲАМ КЕРАК

Мактабгача таълим муассасаларида ўқув материаллари ва уйинчоқлар етишмаслиги, мактаблардаги болалар стоматология хоналарининг ачинарли ҳолати, мунтазам авиация рейслари сонини ошириш долзарблиги...

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар айнан мана шундай муҳим масалаларга алоҳида урғу бердилар. Сабаби унда Давлат бюджетни ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетининг жорий йил тўққиз ойида ижроси ва 2019 йилга мўлжалланган Бюджетнома лойиҳаси кўриб чиқилди.

Маълумки, сифатли таълим мамлакат гўллад-яшашининг асосий кафолатларидан биридир. Шунинг учун давлат томонидан мазкур соҳага устувор аҳамият берилляпти. Биргина жорий йилнинг ўзиде ушбу жабага 13,6 трлн. сўмдан зиёд маблағ ёки барча ижтимоий харажатларнинг 47,2 фоизи йўналтирилди. Бироқ депутатларнинг қайд этишича, жойларда айрим мансабдор шахсларнинг масъулиясизлиги туфайли белгиланган ишлар етарли даражада амалга оширилмаган. Жумладан, умумий ўрта таълим муассасалари моддий-техника базасини яхшилаш, ўқув қўлланмалари ва дидактик материаллар харид қилиш, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун киши кийимлар олиб бериш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағ-

лар ўзлаштирилмаган. Илмий тадқиқотчилик соҳасини молиялаштириш борасида ҳам ижобий фикрлар билдириш қийин.

Соғлиқни сақлаш соҳаси "Адолат" СДП депутатларининг доимий жиҳдий эътиборида бўлиб келаятган энг долзарб масалалардан бири. Бу сафар ҳам ушбу тармоқ муҳокамалар кун тартибидан жой олди. Гарчи мамлакат газнасидан ушбу мақсадлар учун анча-мунча маблағ йўналтирилган бўлса-да, худудларнинг моддий-техника таъминоти ҳамон паст даражада қолаётди. Жойларда тиббиёт ходимлари етишмайди. Бу эса вилоятларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари ва сифатида ўз таъсиридан кўрсатаяпти.

Йиғилишда мактаблар қоридеги стоматология хоналарининг ачинарли аҳоли ҳам кўтарилди. Масалан, Тошкентда олиб борилган текширувлар натижасида худуддаги 80 фоиз болаларда кариес бoрлиғи аниқланган. Мана шундай шароитда мактаблардаги тиш шифокорларини анча кам эканлигини қандай тушуниш мумкин? Хоналарнинг ўзи эса эскирган, замонавий талабларга жавоб бермайдиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

БЮДЖЕТНОМА ЛОЙИХАСИДА НИМАЛАР НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА?



Фракция аъзолари соғлиқни сақлаш учун йўналиштирилган маблағлар тақсироти ҳақида ҳам фикр билдирди. Уларнинг тақдир этишларида, бунда асосий эътиборни беморлар учун ажратилаётган дори-дармонларга қаратиш лозим ҳамда ушбу маблағ микдорини қайта кўриб чиқиш керак.

Йиғилишда аҳолини қийнаётган яна бир муаммо ўртага ташланди. Депутат

Қ. Мирзаев Денов туманининг 34 ва 84-мактабларидаги ҳолатга иштирокчилар эътиборини қаратди. Қайд этилганидек, маъзур мактаблар таъмирталаб аҳволда. Бу ерда ўқувчилар уч сменада таҳсил оляпти. Синфхоналар еттимайди. Синфларда ўқувчилар сони 45 нафардан. Туманда 400 минг аҳоли яшагани инobatта олган ҳолда, ушбу ҳудудда мактаб қуриш тақдир қилинди.

Фракция аъзолари Давлат бюджетли лойиҳасида ногиронлиги бўлган шахслар-

ни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағлар микдори ҳамда йўналишлари бўйича тулиқ маълумотлар тақдим этилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтишди. Бу эса келгусида ногиронлиги бўлган шахслар учун ажратилаётган маблағлар устидан депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатилган имконини беради.

Йиғилиш якунида кун тартибидagi ма-сала-лар юзасидан фракциянинг позиция-си белгилаб олинди ва маъқулланди.

МУАММОЛАР ФАҚАТ АЙТИЛИШИ ЭМАС, ҲАЛ ЭТИЛИШИ ҲАМ КЕРАК



Вахлонки, тиш жарроҳлиги бу шунчаки зеб-зийнат ёки косметик операция эмас, балки инсон, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бинобарин, депутатлар томонидан ўқув муассасалари қошида болалар стоматология-си тизими ривожини тубдан қайта кўриб чиқиш масаласи-га алоҳида эътибор қаратиш тақдир қилинди.

Сўнги пайларда юртимиз-га келадиган сайёҳлар сони кескин кўпайди. Шунга қарамай, авиарейслар сони оширилмапти. Шунинг учун халқ

вакиллари "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК фаолиятини танқид остига олишди. Халқ-аро ва ички йўловчи қатнов-ларини кўпайтириш, Миллий авиакомпания фаолиятини қайта кўриб чиқиш тақдир қилинди. Айни чоғда ма-халлий бозорда бошқа компа-ниялар иштирок этиши учун имконият яратиш бўйича фикрлар билдирилди.

2019 йилга мўлжалланган Бюджетнома лойиҳасини му-воқима қилишда депутатлар мактабгача таълим соҳаси равангига берилган эъти-борни ижобий баҳолашди. Бойси бунинг учун 4 трлн. сўмдан зиёд маблағ йўнали-риш режалаштирилди. Бу

2017 йилдаги нисбатан 51 фоиз кўпдир. Ўз навбатида, республикада МТМда болалар қамрови 35 фоиздан 45,4 фо-изга ошиши кўтилмоқда.

Мажлиса болалар боғча-ларини барпо этиш ва ре-конструкция қилишни режа-лаштиришда ҳудудлар эҳти-ёжидан келиб чиқиш бўйича тақдир қилинди. Бунда асосий эътиборни бола қам-рови ўртача кўрсаткичдан анча кам бўлган Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вило-ятларида қаратиш зарурли-ги таъкидланди.

Фракция йиғилиши якуни-да депутатлар белгиланган вази-фаларни бажаришга му-лақо янгина муносабат ва

ёндашув талаб қилинишини қайд этишди. Зотан, ижти-мой сибасат, одатда, барча ислохотларнинг устувор йўналишидир. Лекин маъзур соҳадаги муаммолар ўз ечи-мини кутаётми. Ҳўш, бу йўлда нималар қилиш ке-рак? Депутатлар бунинг эҳти-ёжидан келиб чиқиш бўйича бюджетни устидан парламент ва жамоатчилик назоратини қулайтиришмоқчи. Уларнинг айтишларига, асосий молия-вий ҳужжатни кўриб чиқиш ва мувоқима қилиш номига ўтказилмасдан, аксинча, аниқ натижалар бериши шарт.

Зиёда АШУРОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис Б. Мирзобоев, судьялар А. Гафуров, С. Кошаева, Б. Миралимов, Г. Пиржанов, К. Улжаев ва Ф. Каюмовдан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун 14-моддасига амал қилган ҳолда "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақидаги ишни очик мажлисда кўриб чиқди.

Масала "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 25-моддасига мувофиқ, фуқаро С. Якубжановнинг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан судьялар А. Гафуров, С. Кошаева ва Б. Миралимовнинг ташаббуси билан киритилди.

Конституциявий суд маъзур масала юзасидан маърузачи судья С. Кошаевнинг ахборотини тинглаб ва иш бўйича маъвуд ҳужжатларни ўрганиб,

"Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади" деб белгиланган. Конституциянинг ушбу моддаси мазмунидан маъмурий, иқтисодий ва бошқа ишлар бўйича оқил судлов, асосан, суд муҳомамасининг ошкоралиги принципига мувофиқ амалга оширилиши лозим, деган хулоса келиб чиқади.

Бироқ Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 143-моддасининг иккинчи қисми ва Иқтисодий процессуал кодекс 165-моддаси иккинчи қисмининг мазмунига кўра, суд ишларини юритиш иштирокчиларининг илтимосномасини мувоқима қилиб, суд овоз ёзиб олишга рўхсат бериши ёки рўхсат бермаслиги мумкин. Вахлонки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 143-моддаси тўртинчи қисми ва Иқтисодий процессуал кодекс 165-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, мажлис залида ҳозир бўлганлар сундинг рўхсатисиз овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, қайд этилган нормаларда суд муҳомамасининг ошкоралиги принципида ривож қилинмасдан суд ишларини юритиш иштирокчиларининг ҳуқуқи чекланиб, уларга суд мажлисида овоз ёзиб олишга суднинг рўхсати талаб этилиши, суд мажлиси залида ҳозир бўлганларга эса суднинг рўхсатисиз овоз ёзиб олиш ҳуқуқи берилган.

Бундан ташқари, қўрида қайд қилинган кодексларнинг суд мажлисида овоз ёзиб олиш бориш бўйича нормалари Фуқаролик процессуал кодекси нормаларидан фарқ қилади. Яъни Фуқаролик процессуал кодекси 208-моддаси тўртинчи ва олтинчи қисмларида суд мажлисининг овоз ёзувини олиб борилишига суд процесси иштирокчиларининг илтимосномаси билан ҳамда тарафларнинг розилиги ва суд мажлисида раислик қилувчининг рўхсати билан йўл қўйилади, деб белгиланган.

Қўрида баён қилинганлардан келиб чиқиб ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 14, 31, 32, 33-моддаларига, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 26-моддаларига амал қилган ҳолда, Конституциявий суд

аниқлади:

Фуқаро С. Якубжанов Конституциявий судга йўлаган мурожаатида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 143-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларидаги суд мажлисининг аудиоёзуви (овоз ёзуви) суд рўхсати билан амалга оширилиши ёки бу мажлис залида ҳозир бўлганларнинг ҳуқуқини, деган савол билан мурожаат қилиб, шарҳ бериши сўраган.

Ушбу мурожаатни ўрганиш жараёнида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 143-моддасининг иккинчи қисмида "суд ташаббусига кўра ёки маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг илтимосномасига кўра суд мажлисининг аудио ёки видеоёзуви амалга оширилиши мумкин" деб кўрсатилган.

Ушбу модданин тўртинчи қисмида эса "мажлис залида ҳозир бўлганлар оёзма қайдлар қилиш, стенограмма олиб бориш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга. Суд мажлисининг фототасвирига, видеоёзуви, шунингдек радио ва телевидение орқали трансляция қилинишига ишчи қўраётган суднинг рўхсати билан йўл қўйилади" деб белгиланган.

Ушбу моддада "аудиоёзув" ва "овоз ёзиб олиш" бир маънони англатадиган икки иборанин қўлланилиши Ўзбекистон Республикасининг "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Қонун 21-моддаси талабларига мос эма.

Айнан шундай ҳолат, яъни суд жараёнида аудиоёзувини амалга ошириш бўйича тартиб Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 165-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида ҳам маъвуд.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 143-моддасининг иккинчи қисми ва Иқтисодий процессуал кодекс 165-моддасининг иккинчи қисмидаги талаблар суд ишларини юритиш иштирокчиларининг ҳуқуқлари чекланишига олиб келади ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига мувофиқ эмас. Бу агар суд ишларини юритиш иштирокчиларининг илтимосномаси қаноатланмаганлиги унинг овоз ёзиб олиш ҳуқуқи бўлмайдими, вахлонки, мажлис залида ҳозир бўлган ҳар қандай шахс суднинг рўхсатисиз овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Суд мажлисида овоз ёзиб олиш амалга ошириш ягона тартибин белгилаш ҳамда суд ишларини юритиш иштирокчиларининг овоз ёзиб олиш амалга ошириш ҳуқуқи чекланишини бартараф этиш мақсадига "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилсин (илова қилинади).

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг судьяси С. Кошаева ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётганида иштирок этиш учун вақил этиб тайинлансин.

3. Ушбу қарор "Халқ сўзи", "Народное слово" газетлари ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 33-моддасида белгиланган Конституциявий суднинг ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбаларда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

Тошкент шаҳри, 2018 йил 14 ноябрь

ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА ТАРАҚҚИЁТ БЎЛАДИ

Дунё манзарасига назар солинса, тинчлик-осойишталик, беғубор осмон, мунаввар кунлар қадр-қиммати, аҳамияти тобора ортиб бораётганига амин бўламиз.

Бугун — Халқаро бағрикенглик куни

Шу боис жаҳон халқлари эътиборида турадиган кўпала халқаро ташкилотлар Ер юзиде тинчлик-тотувликни, бағрикенгликни тарғиб қилишга эътибор қаратмоқда, одамларни ҳамжиҳатликда яшашига ундаб келяпти.

Жумладан, ЮНЕСКО томонидан бағрикенгликка оид етмишдан зиёд халқ-аро ҳужжатлар, конвенциялар қабул қилинган. 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида Бағрикенглик тамойиллари тўғрисидаги декларациянинг қабул қилиниши аҳамияти жиҳатидан тарихий воқеали бўлди. Шу боис маъзур сана инсониятни бағрикенгликка, тинчлик ва осойишталикни сақлашга ундаш мақсадига Халқаро бағрикенглик куни сифатида кенг ишонлаб келинмоқда.

Ўзбекистонда ҳам бу кунга алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш, миллий ва диний кадрларнинг эъзозлаш борасида амалга оширил-

ган кенг қўламли ишлар самарасида миллатлараро ҳамда диний конфессиялараро бағрикенглик, ахиллик муҳити қарор топган.

Конституциямизда ҳар бир инсон ҳақ-ҳуқуқи, эркинлиги қафолатланган. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 31-моддасига мувофиқ, ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўйилмайд.

Ортимизда турли динга мансуб кадрларга бирдек эъзозланади. Фуқаро-ларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилган бўлиб, бу динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этапти.

Бугун юртимизда 2 миң 200 дан зиёд диний ташкилотлар, 130 дан ортик миллатлар вакилларидан иборат қарийб 140 миллий маданий мар-

казлар, Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академия-си, Тошкент ислом институти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарру-фидаги диний таълим муассасалари, православ ва протестант семинария-лари фаолият юритмоқда. Мамлакатимиздаги диний конфессия вакиллари ахил-иноқ яшаб, жамият ҳаётини раванг топтириш йўлида самарали меҳнат қилаётми. Улар ўз диний байрам-лари ва эътиқод амалларини эмин-эриқ адо этмоқда.

Буюк аждодларимизнинг бой маданият ва маърифат бўлоқларидан баҳраманд бўлган халкимиз нафақат миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик, балки одоб-ахлоқ, меҳр-муруват, оила, фарзанд тарбияси, ота-онага ҳурмат, кичикка иззат борасида ҳам ўзига хос кенг феълият, саховат тамойилларига амал қилиб келяпти. Бинобарин, тинчлик-тотувлик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик бор жой-да тараққиёт ва юксалиш бардавом бўлади.

Дилшод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОСИЁ ФОРУМИ

Юртимизда уни юксак савияда ўтказишга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Жорий йилнинг 22-23 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форуми бўлиб ўтади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишлаб ташкил этилаётган маъзур йирик халқаро анжуманга мамлакатимизда қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Мухбиримиз нуфузли форумнинг аҳамияти, кўлами ҳамда қўлаб-қўлабган самаралари ҳақида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВ билан суҳбатлашди.

Эксклюзив интервью

— Бу ҳақда фикр юритганда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 72-сессиясида бир қатор муҳим халқаро ташаббусларни илгари сурганини таъкидлаш лозим, — дея сўз бошлади А. Саидов. — Ушунда мамлакатимиз раҳбари, жумладан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан мулоқоти чоғида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форумини ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Эътибор беринг: БМТ тузилганидан буён ўтган 70 йил ичида инсон ҳуқуқларига бағишланган бундай юксак нуфузга эга халқ-аро анжуман илк бор Осие қитъасида — Ўзбекистонда, қадимий ва ҳаммиса навиқрон Самарқанд шаҳрида ташкил этилмоқда. Энг асосийси, ушбу долзарб ташаббус ҳам, шу гоё ташаббускор Президент Шавкат Мирзиёев ҳам халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланяпти.

— **Юртимиз томонидан бу борада илгари сурилган халқаро ташаббуслар доирасида ўтган қисқа давр ичида қандай ишлар амалга оширилди?**

— Бу вақт ичида мамлакатимизнинг тегишли халқаро ва хорижий ҳамкорлари билан биргаликда муҳим натижаларга эришилди. Биргина мисол, Ўзбекистон Президентининг жорий йил 5 майдаги Фармони билан "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури" тасдиқланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Ушбу Декларациянинг барча асосий принциплари Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топган. Бинобарин, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига бошқичма-бошқич имплементация қилиш бўйича ўз моделини яратди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил

7 февралда тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси эса инсон ҳуқуқлари, эркинликлар ва қонуний манфаатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Хусусан, Ҳаракатлар стратегияси БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича Ўзбекистоннинг "йўл харитаси" бўлди. Шу асосда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга риёа этиш масалалари давлат сибасати ва халқаро ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларнинг устувор йўналишларидан бирига айланади.

— **Декларация, Ўзбекистон Конституцияси ва Ҳаракатлар стратегияси билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форумини қандай омиллар ўзаро боғлаб турибди?**

— Бу гоёт муҳим халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда улар негизида амалга оширилаётган самарали чора-тадбирларнинг барчаси ўзаро уйғундир. Бундан кўзланган асосий мақсад, Президентимиз таъкидлаганидек, "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган тамойилни амалга оширишдан иборат.

Давлатимиз раҳбари БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция-сини ишлаб чиқиш бўйича киритган тақдир ҳам гоёт аҳамиятлидир. Бу ташаббус глобаллашув ва ахборот-коммуникация техно-логиялари жадал раванг топиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сибасати шакллантириш ҳамда уни амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуж-жат қабул қилинишига хизмат қилади. Айни пайтда Юртимизнинг яна бир ташаббуси — БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" махсус резолюциясини қабул қилиш масаласини илгари сурми борасида изчил иш олиб бориляпти.

Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форуми ташкил этилиши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация-сини тамойилларига эътиборни янада оши-ради. Бу, шунингдек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида изчил ва шиддатли ислохотлар рўёбга чиқарилаётганини ҳам англатади.

— **Самарқанд шаҳрида бўладиган халқаро анжуман нима сабабдан "Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форуми" деб номланди?**

— Бунинг асосий сабаби шунки, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Самарқанд тарихий эгаларни, эркинликлар, маданият-лар, тиллар мулоқоти учун очик шаҳар, ўзаро тотувлик, самарали ҳамкорлик ва бағрикен-глик намунасидир.

Яна бир жиҳати — 1948 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан буён ўтган 70 йил давомида ушбу принцип сибасий жараёнларда ҳамда халқаро ҳуқуқ назарияси ва амалиётида доимо кун тартибда бўлиб келмоқда. Бу беҳиз эмас. Негаки, дунёда ранг-баранг маданиятлар мавжуд экан, инсон ҳуқуқла-рининг универсаллиги ҳамма учун умумий-лиги, ялпиглиги долзарб аҳамият касб этади.

2015 йил сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган барқарор ривожланиш бўйича БМТ саммитида Барқарор ривожланишнинг 17 та мақсадини рўёбга қикариш учун 15 йил ичида амалга оширилаётган 169 та муҳим вазифа белгилаб олинди.

Бутун дунёда кечаётган тежор глобалла-шув даврида бу вазифалар давлатлар зим-масига жуда катта масъуляти оқнайд.

Афсуски, жаҳоннинг айрим минтақаларида давлатлар томонидан инсон ҳуқуқларининг универсаллигини хар бир инсон учун таъминлаб бериш осон кечмаяпти.

Биринчидан, агар Осие қитъасини ола-диган бўлсак, Ер шаридаги энг катта қиъа, жами қуруқлик майдонининг 30 фоиздан ор-тигини эгаллаган бу улкан ҳудуднинг икти-содиейти глобал иқтисодий фаоллигининг қарийб 32 фоизини ташкил этади. Осие ма-млакатларида иқтисодиде жадал ривожлан-моқда. Аҳоли даромадлари ошяпти.

Шу билан бирга, иқтисодий тараққиёт, ўз-ўзидан, Барқарор ривожланиш мақса-длари таъминланиши ва инсон ҳуқуқлари яна-да самарали ҳимоя қилиниши, дегани эмас.

Иккинчидан, Осие қитъасида яшайдиган 3,1 миллиард аҳоли таъминан 15 та йирик тил оиласига мансуб турлича тил ва шева-ларда гапшалади. Шунингдек, Осие дунё-даги барча асосий динлар — насронийлик, буддавийлик ва ислом динининг ватанидир.

Қитъада бошқа қўллаб диний конфессиялар ҳам мавжуд. Шунга қарамай, сайёрамизнинг бошқа қиъаларидан фарқли равишда Осиеда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муайян ҳужжатлараро ёки минтақа-вий тизим халигача яратилмаган.

Учинчидан, Самарқанд шаҳрида ўтадиган Осие форумининг асосий иш фаолияти ин-сон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қиъа-миздаги мавжуд механизмларни янада та-комиллаштириш ва янгиликларни таъсис этиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институти-лар ўртасида ўзаро ҳамкорлиқни таъмин-

Биринчи сессия "Инсон ҳуқуқлари умум-жаҳон декларацияси мероси — универсал-лик ва инсон ҳуқуқлари", иккинчи сессия "Инсон ҳуқуқлари — Барқарор ривожланиш мақсадларини таъминлаш асоси сифатида" деб номланган.

Учинчи сессия эса "Инсон ҳуқуқлари со-ҳаси таълими: инновациялар ва янги дав-латлар", тўртинчи сессия "Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтиларнинг инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши, ҳимоя этилиши ҳамда уларга риёа қилинишини таъминлаш масалаларида давлат органлари ва фуқаро-

фасида. 21 ноябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осие Кенгаши-да минтақамиздаги инсон ҳуқуқлари бўйи-ча миллий институтиларнинг раҳбарлари сўзга чиқди. Кенгашида минтақа мамла-катларида инсон ҳуқуқларига риёа этили-ши кўриб чиқилади ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтилар ўртасидаги ҳамкорлиқнинг турли йўналишлари муҳо-кама қилинади.

Кенгаш иши якунида Марказий Осиеда-ги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий инсти-тутиларнинг Тошкент Баёноти қабул қили-ниши кутилмоқда. Тошкент Баёнотида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик асосари-ни Париж принципларига мувофиқ равишда такомиллаштириш, минтақамиздаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтилар то-монидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ўзаро ахборот алмаштиш, самарали ҳамкор-лик қилишга доир масалалар акс этади.

Жумладан, минтақа давлатларининг таълим муассасалари, бизнес тузилмалари, фуқаролик жамияти институтилари билан инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, бу йўналишда қўшма лойиҳалар ва илмий та-дқиқотларни ам

ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ДАРЗ КЕТМАСИН

Тошкентда бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий анжуман "Болалар ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида оиланинг роли" мавзусига бағишланди. Бугун нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда фарзандларни оилавий қадриятлар асосида тарбиялаш масаласи нақадар долзарб эканини инобатга олиб, бу борадаги мавжуд муаммолар муҳокамалар марказида бўлди.

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Мактабгача таълим ва Халқ таълими вазирликлари, Дин ишлари бўйича қўмита ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда 10 дан ортиқ давлатлардан келган халқаро экспертлар ва оилашунослар қатнашди. Мутахассислар кўпроқ ютуқлар эмас, балки соҳадаги ечимини кутаётган масалалар ҳусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бола тарбиясида фаол иштироки, айниқса, вояга етган фарзандлар ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиши давлатнинг Асосий Қонунида ҳам белгилаб қўйилгани халқаро мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

"Оила ва тарбия", "Дин ва оила", "Оила ва жамоатчилик" каби секцияларга бўлиниб, танланган мавзуларга чуқурроқ ёндашишди. Оилани давлат томонидан ҳимоя қилиш, унинг диний эътиқодимизда тутган ўрни, диний ва дунёвий таълим-тарбия орқали оилавий қадриятлар ҳамда билимларни болаларнинг ёшларидан ўқитиб бориш зарурлиги таъкидланди. Бугун кенг жамоатчилик, ҳар бир ота-она, маҳалла аҳли — ҳамма-ҳамма жамиятнинг негизи бўлган оила, унинг тинчлиги ва фаровон ҳаётини асраш



Хосен ПИЙДИДЕВ сурат-лавоски.

учун бирдек масъул экани айтиб ўтилди. Қизиқarli мисоллар, турли халқларда оилага муносабат қандайлиги ҳақида савол-жавоблар, уни янада мустаҳкамлашга оид фикр-мулоҳазалар тadbирнинг жонли руҳда ўтишини таъминлади.

Сўз — табдир иштирокчиларига



Хесус Хил ФУЭНТЕТА, Испан шарқшунослари ассоциацияси бош котибни, Мадрид Автоном университети профессори:

га боғлиқ. Бу қонунят оиланинг тарбия борасидаги фаолиятига ҳам алоқадор. Оилавий тарбиянинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам, у тарбия ишида ҳам ўзига хос хусусиятларини намоян қилади. Испанияда фарзанд

18 ёшга тулганидан кейин мустақил ҳаёт бошлайди ва ота-онасига қарамайди. Бу эса кейинчалик унинг оиласида ҳам такрорланади. Шунинг учун ҳам айна пайтда нафақат Испания, балки бутун Европада оила қадриятларини оммалаштириш усти-

да иш олиб бориляпти. Тадқиқотлар эса оилавий тарбия ижтимоий тарбия билан узвий алоқада бўлсагина, бу оилада баркамол фарзандлар тарбияланиши исботланади. Демак, фарзанд тарбияси бутун бир жамиятнинг ишидир.

Кунико ХАКАМАДА, Япониянинг Асия университети фахрий профессори:



— Бутун дунёда яшаш учун қўлайлик, кундалик турмушнинг тобора автоматлаштириш ривожлангани сари оиладаги болалар сони қисқариши қайд этилган. Японияда оилада фарзанд ўстириш кўрсаткичи йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Айна пайтда парламентимизда меҳнат қилиш учун Японияга бошқа давлатлардан қўшимча ишчи кучини жалб этиш масаласи жуда қизғин муҳокама қилиняпти. Туғилиш кўрсаткичларининг пасайётгани давлатни ана шундай чоралар қўришга мажбур этмоқда. Бу борада Ўзбекистонда ёшлар давлат аҳолисининг катта қисмини ташкил этаётганини таъкидлаш керак. Чунки халқ оилавий қадриятлар ва уни муносиб давом эттириш масъулияти ҳақида ўйлайди. Катталарга ҳурмат билан қараш ҳам айнан оилада шаклландиранган фазилатлардан. Бу шунчаки фазилат эмас, инсонийликнинг олий кўринишидир, аслида. Ўзбек оиласида нафақат ўзи, балки атрофдагиларга ҳурмат билан қарайдиган фарзандлар тарбия топиши бағрикенглик намунаси.

«Халқ сўзи» мухбири Мунисхон КАРИМОВА ёзиб олди.

Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

Пенг ИЛ КИМ, Корея халқаро муносабатлар университети профессори:

— Келтирилган рақамларга кўра, айна пайтда юртингизда 7,5 миллион оила мавжуд. Аҳоли сонига нисбатан оладиган бўлса, ҳар бир оиланинг ўртача 3-4 нафар аъзоси бор, дегани. Оилавий қадриятлар ва демографик нуқтаи назардан бу жуда яхши кўрсаткич.

Демак, фарзандлар тарбиясида уларнинг бобобувилари ҳам фаол иштирок этипти. Биз мамлакатимизда энг намунали ва ибратли оилалар тажрибасини оммалаштириш устида иш олиб бораёмиз. Гарчи корейликлар оилавий қадриятларига жуда содиқ

халқлардан бўлса-да, замонавий глобаллашув таъсири йилдан-йилга сезилмоқда. Ёшлар оила қўриб, фарзандлар тарбиялашдан кўра, карьера қилиш, яшаш шaroитларини янада яхшилаш, ёлғизликда дунё кезиш каби мақсадларни устун қўймоқда. Шунинг учун



бугун оила ва унда баркамол фарзандлар тарбияси масаласи ҳамма учун бирдек муҳим.

ВОҚЕАЛАР Янгиликлар Тафсилотлар

200 000 000 евролик битим

Яқинда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Швейцариянинг "Credit Suisse" банки ўртасида кредит битими имзоланди. Бу ҳақда мазкур молия муассасаси матбуот хизмати хабар берди.



Битимда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилаётган, экспорт-кредит агентликлари (ЭКА) кафолати остида, давлат кафолати тақдим этмасдан, инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш соҳасида ҳамкорлик қилиш назарда тутилмоқда. Мазкур келишув Швейцария, Европа, Жанубий Корея ва Хитойдан усқуна ҳамда технологиялар олиб келиш имконини яратади.

Цюрихда (Швейцария) жойлашган "Credit Suisse Group AG" дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатларида ваколатхоналарига эга бўлиб, 800 миллиард АҚШ долларидан ортиқ активларни бошқаради.

Ўзбекистонда интернет тезлиги ошадими?

Шу йил январь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлигига бағишланган йилгилишда интернет тармоғига ула-нин нархини пасайтириш, шунингдек, улаиш тезлигини ошириш, 2020 йилгача МДХ мамлакатлари даражасига етказиш топширигини берганди.

Айна пайтда "Ўзбектелеком" АК томонидан компаниянинг техник хизматларида модернизациялаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Пировардида жорий йил охирига қадар "Ўзбектелеком"дан канал сотиб олган оператор ва провайдерлар истеъмоли учун зарур бўлган тезлик таъминланади.

Россиядан 350 минг сайёҳ келди

Жорий йил январь — сентябрь ойларида Ўзбекистонга Россиядан 350 минг сайёҳ келди, — деди у. — Шундан 2020 минг нафари Россия фуқароларидир. Утган йилнинг мазкур даврида бу кўрсаткич 270 минг нафарни ташкил этган эди.

www.xs.uz сайти материаллари асосида тайёрланди.

«МАЛИКА»ДАГИ «ЎЙИН»ЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Пойтахтимиздаги маиший техника воситалари савдосига ихтисослаштирилган "Малика" савдо мажмуасида Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси томонидан назорат тadbирини ўтказилди, дейилади ДСҚ Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими тарқатган маълумотда.

Қилмиш-қидирмиш

Тadbирда 13 нафар фуқаро тadbиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан, чет элда ишлаб чиқарилган ва республикамизга яширин йўллар орқали олиб кирилди, ҳеч қандай ҳужжатларсиз маиший техника воситалари савдоси билан шуғулланаётганлиги аниқланган.

Ушбу шахслар сифат сертификати эга бўлмаган товарлар олди-сотдисини амалга оширган. Боз устига, Давлат бюджетни олдидаги мажбуриятларини бажармай, умуман солиқларни тўламаган. Назорат тadbiri



давомида давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан ноқонуний равишда савдога қўйилган, умумий қиймати қарийб 308 миллион сўмлик 66 та маиший техника ва 7 800 та мобиль алоқа воситаси ҳамда аксессуар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 176-моддасига асосан, масала қонуний ҳал бўлгунча қадар вақтинчалик олиб қўйилди.

М. САИДОВ тайёрлади.

НАФСИМ МЕНИНГ БАЛОДУР

Жамиятимизда ҳуқуқбузарликларнинг илдиэ отиб кетишига йўл қўйилмайди. Жиноятчилар фош этилиб, қилмишларига яраша жазо чоралари қўрилади. Шундай бўляпти ҳам. Бунда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари фаоллик кўрсатмоқда.

Жумладан, департамент ва ДХХ Гиждувон тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тadbирда "Хўжай-Жаҳон ТВ" масъулияти чекланган жамияти раҳбари ҳамда Ўзбекистон Қизил ярими жамияти Гиждувон тумани бўлими бош ҳисобчиси Қурбон Тошевнинг жиноий фаолияти фош этилди. "УзЛидерФарм" МЧЖ раиси Илхом Фатуллаева Гиждувон шаҳрининг марказий касалхонаси олдида дорихона биносини қуриш учун ер майдони олишга кўмаклашишни ваъда қилган ушбу шахс тadbиркордан 28 миллион 946 минг сўм пулни фарибгарлик йўли билан олган. Ушбу сўмнинг 3 миллион сўмини эгасига қайтарётган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинган.

Фуқаро Комил Набиев ҳамда "Зарафшон" боғдорчилик ширкат хўжалиги раиси бўлиб ишлаб келган Амрилло Ҳусенов эса ширкат хўжалигига тегишли ер майдонининг 10 сотихини фуқаро Акмал Ибадогова ажратиб беришни ваъда қилган. Албатта, текинга эмас. Бунинг учун улар Ибадоговдан 1 800 АҚШ доллари ҳамда 1 миллион 100 минг сўм пул сўраган. Иш биттач, А. Ҳусенов келишилган сўмнинг 13 миллион сўмини олаётган вақтда ушланган.

Бухоролик Комилжон Кароматов эса Бухоро тумани Юриболо маҳалласида жойлашган ёғи кинотеатр биносини тураржой си-

фатида реконструкциялаш учун рўйхатдан ўтказиб беришга кўмаклашмоқчи бўлиб, бино эгасидан 2 миллион 500 минг сўм пора талаб қилган. У кимёвий ишлов берилган 1 миллион 500 минг сўм пулни

кўра, тезкор тadbир давом эттирилиб, А. Ҳикматов ҳам пора олаётган вақтида ушланган. Самарқанда эса иссиқхона ташкил этиш мақсадида ер майдонини ажратиб беришни сўраб, ҳуж-

фуқаро Бобомурод Саломов орқали олаётган вақтда қўлга тушган. Маълум бўлишича, Комилжон Кароматов ушбу пулларни Бухоро тумани ҳокимлиги қурилиш бўлими бошлиги Абдурахмон Ҳикматовга бериши лозим бўлган. Шунга

жатларни бекаму кўст тақдим қилган "Ризо бобо" МЧЖ раҳбари ҳам тамағирларнинг тўсигига дуч келди. Тadbиркорнинг ушбу муножазатини туман ҳокимлиги орқали ижобий ҳал этиш учун ундан 2 500 АҚШ доллари олган Самарқанд тумани




жатарни бекаму кўст тақдим қилган "Ризо бобо" МЧЖ раҳбари ҳам тамағирларнинг тўсигига дуч келди. Тadbиркорнинг ушбу муножазатини туман ҳокимлиги орқали ижобий ҳал этиш учун ундан 2 500 АҚШ доллари олган Самарқанд тумани

Депутат фикри

ТАБИАТ МУЗЕЙЛАРИ

БУГУНГИ КҲН ТАЛАБИГА ЖАВОБ БERAДИМИ?



Атроф-муҳит алоқадор муаммоларни нафақат соҳа қонунчилигини такомиллаштириш, балки аҳолининг табиат билан бевосита муносабати орқали ҳам ҳал қилиш мумкин. Бунда республикамиз табиати гўзаллигини, ундаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ранг-баранглигини маълум даражада ўзида мужассамлаштирган ҳамда ушбу манзарани, қисқа муддатга бўлса-да, инсон онгига муҳрловчи табиат музейлари алоҳида аҳамият касб этади.

Кишлоқ шароитида яшовчилар шаҳар аҳолисига қараганда, табиат билан кўпроқ ошно. Йирик кентлардаги табиат музейлари эса одамларни табиат билан таништириш баробарида, аҳолининг экологик саводхонлигини шакллантиришда қўл келадди. Шу маънода, бундай муассасаларни атроф-муҳит ва жамият ўртасидаги муносабатларда уйғунлигини таъминловчи таълим ҳамда тарбия ўчоғи, десак, муболаға бўлмайди.

Табиатга алоқадор экспонатларни сақловчи масканлар сирасига Тошкент шаҳридаги табиат музейи, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро давлат университети, Самарқанд давлат университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа таълим муассасалари қорали ташкил этилган қатор музейларни киритиш мумкин. Уларда республикамиз ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси тасвири, бугунги кунда қирилиб кетган турлар билан танишиш баробарида, дунё фаунасида учровчи, инсон эътиборини ўзига жалб қилувчи ноёб ҳайвон турлари ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Булар яхши, албатта. Лекин музейларимиз ўз олдига қўйган вазифаларини тўлақонли бажара оляптими? Афсуски, табиат музейларидаги бугунги ҳолатни қониқарли, деб айтолмаймиз.

Масалан, Бухоро шаҳрининг Арк мажмуасидаги музейнинг "Табиатушunosлик" бўлимида ҳудудга хос бир қатор экспонатлар жой олган, аммо бионинг торлиги сабабли кўпгина экспонатларни аҳолига намойиш қилиш имконияти чекланган. Хайвонларга доир экспонатларнинг аксарияти ўтган асрнинг 50 — 70-йилларига мансуб бўлиб, улардан баъзилари асл қўфасини йўқотиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети табиат музейи, Бухоро давлат университети зoомузейида ҳайвон тулмуларига ўз вақтида кимёвий ишлов берилмаслиги оқиб-

тида баъзи экспонатлар яроқсиз ҳолга келиб қолган. Юқоридаги муаммоларнинг сабаблари ўрганилганда, кимёвий ишлов бериш учун маблағлар ўз вақтида ажратилмаслиги, бионларнинг ҳайвон ва ўсимлик коллекцияларини сақлашга мослашмаганлиги, экспонатларнинг тақши таъсирлардан химояланмаганлиги маълум бўлди.

Албатта, музейга келувчилар тўлароқ маълумот олишга қизиқади. Уларнинг бу талаби экскурсия раҳбарининг билим ва малакасига ҳамда объектларга ўрнатилган ёрликлар сифатига боғлиқ. Бироқ айрим ёрликларда маълумотлар (турнинг маҳаллий ҳамда илмий номи, олинган жойи ва ҳоказо) нотўғри ёзилган, айримларида эса талаб даражасида расмийлаштирилмаган.

Шунингдек, таълим тизимидаги мавжуд музейларни рўйхатга олиш, бошқариш, экспонатларни хатлаш масалалари ҳам ўз ечимини кутмоқда. Буларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги Қонуни ва тегишли қонуности ҳужжатлари асосида фаолият юритиш бугунги долзарб вазифалардан саналади.

Кейинги йилларда туризм соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган савий-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизга ташриф буюрувчилар сони ошиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, нафақат тарихий ва маданий мерос обидаларига, балки музейлар, жумладан, табиат музейларига эътиборни янада кучайтиришни, уларни жаҳон андозаларига мос жиҳозлашни ҳамда малакали хизмат кўрсатишни талаб этади.

Табиатга меҳр унинг энг кичик нишонларига бўлган эътибордан бошланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, музейлар одамларнинг табиатга бўлган муносабатларини яхшилашга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга лойиқдир.

Фахриддин ХОЛБОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.



Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Зафар Олимов ана шу пулларнинг 2 мингини қайтариб бераётган вақтида тезкор тadbир томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Шунингдек, ўз мансабини суистеъмол қилиб, Наманган вилоятининг Чортоқ туманида жойлашган тўйхона ҳамда маъмурий бионининг бўш турган бир қисмини туман ҳокимининг қарори билан нотураржойдан тураржойга ўзгартириб бериш эвазига фуқаро Ҳабибуллаевдан 1 000 АҚШ доллари олган туман Ер тузиш ва кўчмас мулк давлат кадастри бўлими бошлиғи Комилжон Алибаев ҳам ўтказилган тезкор тadbир давомида ушланган.

Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги Янги турмуш маҳалласида яшовчи Музаффар Қуръзов эса тadbиркорлик фаолиятини энди бошлаш ниятида эди. Унинг бу режасидан хабардор бўлган Равшан Ортиқов туман архитектура ва қурилиш бўлимида ишловчи мансабдор танишлари орқали унга 60 м. метр ер майдонини олишда ёрдам бера олишини айтиди ва бунинг учун олдиндан 7 миллион сўм,

ишлар биттач, яна 3 миллион сўм талаб қилади. Бироқ ишни ҳароман бошлашни истамаган тadbиркор бу ҳақда департаментнинг Шовот тумани бўлимига хабар беради. Унинг аризасига асосан ўтказилган тезкор тadbирда Р. Ортиқов 5 миллион сўмини пора сифатида олаётган пайтда ашёвий далиллар билан қўлга тушиди.

— Қилган ишимдан пушаймонман, мени кечиртишларингизни сўрайман, — дейди у.

Тadbиркорни пора беришга мажбурлаш ҳолатлари Тошкент вилоятининг Бекобод туманида яшовчи "Латиф омад" МЧЖ раҳбари Л. Тўташев "Фарҳод" МФЙ, Саҳоват кўчаси, 1- "А" уйда жойлашган савдо дўконига эғалик ҳуқуқини расмийлаштириш учун ундан пора талаб қилаётганликларини билдирди. Ўтказилган тезкор тadbир давомида Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати Бекобод тумани филиали раҳбари вазифасини бажарувчи У. Ҳакимов ва ушбу корхона мутахассиси Ш. Исмоилов 2 миллион сўмини фуқаро К. Умарходжаев орқали олган вақтида ушланган.

Афсуски, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Лекин шуниси аниқки, ҳеч бир ҳуқуқбузарлик ҳолати эътиборсиз қолдирилмайди. Ҳар ким содир этган жиноятига яраша жазоланади. Зеро, юртимизда қонун ҳамиша устувордир.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

Спорт

Юртимиз 2030 йилги Осиё ўйинларига мезбонлик қилиши мумкин

Бу ҳақда жисмоний тарбия ва спорт вазирининг биринчи ўринбосари Ойбек Қосимов шу ҳақда айтиб ўтди. Унинг билдиришича, ҳозир 2030 йил ўтказиладиган Осиё ўйинларига мезбонлик қилиш имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда.

Бунинг учун мамлакатимизда мавжуд бўлган спорт иншоотлари, логистика, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмалари қувватларини таҳлил этиш ҳамда чет эл тажрибасини ўрганиш асосида муносиб спорт инфратузилмасини яратиш мақсадларига юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилади.

Усмон Тошев Тожикистон олимпия терма жамоасига бош мураббий бўлди

Ўзбекистонлик мутахассис Усмон Тошев Тожикистон олимпия терма жамоаси бош мураббийи этиб тайинланди, дейилади кўшни давлат футбол федерацияси расмий сайтыда.

53 ёшли мураббий жамоани Осиё чемпионатида олиб чиқиши керак бўлади. Саралаш мусобақаси эса 2019 йилнинг 22 — 26 март кунлари Тошкентда ўтказилади. Улар жой олган "F" гуруҳидан мезбон давлат Ўзбекистондан ташқари Ҳиндистон ва Покистон терма жамоалари ҳам бор. Гуруҳ ғолиби 2020 йили Таиландда бўлиб ўтадиган кўтба биринчилигига йўланмани кўлга киритади. Шунингдек, жами 11 гуруҳда энг яхши кўрсаткич қайд этган тўртта иккинчи ўрин соҳибни ҳам финал босқичига чиқади.

Тожикистон олимпия терма жамоасининг янги бош мураббийи яқин кунларда ўз лавозимига киришади.

Интернет манбалари асосида С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.



Молия муассасаларида

Сўнгги пайтларда юртимиз аҳолисининг тадбиркорликка бўлган иштиёқи кучайиб бормоқда. Бойси бизнес фаолиятини бошлаш истагидаги кишилар ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ишбилармонларга қўшимча имтиёз ва енгилликлар тақдим этиляпти. Бундай амалий саъй-ҳаракатлар қўламини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида янада кенгайтиди. Ушбу жараёнда тижорат банклари ўз иш услубларини тубдан ўзгартириб, фуқароларимиз ва тадбиркорлар ишончини қозониш, уларга қўмақдош бўлишга интиломоқда.

ТАШАББУС — ТАДБИРКОРДАН, МАДАД — БАНКДАН

Республикаимизда фаолият кўрсатаётган молия муассасалари қаторида "Ўзмиллийбанк" Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳам одамларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришда ўз хизматлари билан фаол иштирок этишга ҳаракат қиляпти. 2018 йилнинг ўтган даврида унинг бўлим ва филиаллари томонидан бизнес вакилларига ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларини амалга оширишлари учун 2 триллион 192 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани бунга бир мисол бўлади.

Ушбу сармояларнинг 1 триллион

490,4 миллиард сўми саноат, 701,6 миллиард сўми эса хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилди. Натижада кўплаб янги корхоналар ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари очилди. Жумладан, "Presstone" масъулияти чекланган жамиятида тадбиркорнинг ўз маблағларидан ташқари, банкнинг 600 минг АҚШ долларлиги молиявий қўмаги билан қурилиш материаллари тайёрлаш лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилган, 20 та иш ўринлари яратилди. Худди шунингдек, банк молиявий мадади туяфайли фаолиятга йўлга қўйилган "Istiqbol To'rt", "PM Development", "AST Business Strong" масъулияти чекланган жамиятларида ҳам банк сармояларидан мақсадли фойдаланилиб, уларнинг ҳар бирида ўнлаб иш жойлари очилди.

"Chinoz Textile" масъулияти чекланган жамиятининг умумий қиймати 8,35 миллион АҚШ долларлиги лойиҳаси ижросида молиявий мададга эҳтиёж сезилди. Айни шундай пайтда банкнинг Янгибод филиали ёрдам қўлини чўзиб, 2,3 миллион долларлик кредит ажратди. Бу эса тадбиркорнинг ишини янада юрштириб юборди. Пахта толасини чуқур қайта ишлаб, импорт ўрнини босувчи, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхонанинг 25 кишилик жамоаси томонидан ишлаб чиқарилаётган либосларга ички бозорда талаб катта.

Айтиш жоизки, кейинги вақтларда нотўқима матолат асосида тайёрланган маҳсулотларга ҳам эҳтиёж ортмоқда. Аммо унинг салмоқли қисми импорт эвазига таъминла-

лари очилиб, ички бозорга арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб берилга бошланди.

Шу билан бирга, банкнинг Янгибод филиалининг 16,5 мил-

2018 йилнинг ўтган даврида «Ўзмиллийбанк» Тошкент шаҳар бош бошқармаси бўлим ҳамда филиаллари томонидан бизнес вакилларига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларини амалга оширишлари учун

2 триллион 192 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

наётир. Айни ҳиҷат "Garbus Trade" корхонаси раҳбариятини янги ташаббусга ундади. Ўрни улар номаъмуриятдан кўрадан ва гилламли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида бизнес лойиҳа тайёрладилар. Умумий қиймати 1,4 миллиард сўмлик мазкур лойиҳа учун тадбиркорнинг ўз маблағидан ташқари, банкнинг Шайхонтоҳур филиали томонидан 1 миллиард сўмлик кредит ҳам йўналтирилди. Натижада 25 та доимий иш ўрин-

лиард сўмлик молиявий қўмаги билан "Chirchiq Savdo Baraka" МЧЖ томонидан дунёнинг етакчи хорижий компанияларидан замонавий асбоб-ускуналар олиб келиниб, ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси Амалиёт бошқармаси томонидан ажратилган 1 миллиард сўмлик кредит эвазига "Samsun-Toshkent Farm" қўшма корхонасида янги дори воситалари тайёрлаш ўзлаштирилди.

Бундай мисолларни банк мижозлари фаолиятдан яна кўплаб келтириш мумкин. Чунки юртодошларимизнинг ишбилармонлик соҳасида фаоллигини оширишда молия муассасалари ташаббускор бўлмоқда. Зеро, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, мижозларга замонавий банк хизматлари ва зарур молиявий қўмақ кўрсатиш тижорат банклари фаолиятидаги энг асосий вазифалар сирасига киради.

Банк матбуот хизмати.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР
ENG MOXIR QILICBOZLAR TOHKENTDA JAM BU'LADI!
Халқаро қиличбозлик федерацияси қарорига мувофиқ, Тошкентда 17 ва 18 ноябрь кунлари ўсмир қизлар ўртасида қиличбозликнинг сабля тури бўйича Жаҳон кубоги мусобақаси бўлиб ўтади.
Шу муносабат билан қиличбозлик спортининг барча ихлосмандлари, ОАВ ходимларини гимнастика бўйича ихтисослаштирилган Республика Олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига таклиф қиламиз.
Мусобақалар 2018 йил 17 ноябрь кунини соат 10.00 да бошланади.
Спорт мажмуаси манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Корҳожията кўчаси, 2-«А» уй. Тел.: 71-235-89-30.
Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси матбуот хизмати.

Лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, «Ўрнқзор» савдо мажмуаси ҳудудида
2.06x2.26x2.64 метр ўлчамда ойнали кўринишдаги 24/7 режимида ишлайдиган ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ ШОХОБЧАНИНГ
лоиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш ишларини бажариш бўйича таклифларингизни сўрайди.
Таклифлар 2018 йилнинг 21 ноябрь кунини соат 17.00 гача қабул қилинади.
Мурожаат учун телефонлар: 78-150-77-02, 78-150-77-03, 78-150-77-23.
Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
кафедралардаги қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:
Ноорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси бўйича: кафедра мудири, профессор — 1, доцент — 1, ассистент — 1.
Аналитик кимё кафедраси бўйича: кафедра мудири, профессор — 1, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
Фармакология ва клиник фармация кафедраси бўйича: кафедра мудири.
Токсикологик кимё кафедраси бўйича: кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
Органик ва биологик кимё кафедраси бўйича: кафедра мудири, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
Фармацевтик кимё кафедраси бўйича: кафедра мудири, катта ўқитувчи — 1.
Дори воситаларини стандартлаш ва сифат менежменти кафедраси: кафедра мудири, профессор — 1, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва технология кафедраси: кафедра мудири, профессор — 1, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
Фармакогнозия ва дори воситаларини стандартлаш кафедраси: кафедра мудири, профессор — 1, доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
Фармакогнозия кафедраси бўйича: доцент — 1.
Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси бўйича: доцент — 1.
Дори воситалари саноат технологияси кафедраси бўйича: доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
Тиббий ва биологик фанлар кафедраси бўйича: доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
Биотехнология кафедраси: катта ўқитувчи — 1.
Дори турлари технологияси кафедраси бўйича: катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
Тиллар кафедраси бўйича: ўқитувчи — 1.
Ижтимоий фанлар кафедраси бўйича: ўқитувчи — 1.
Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарорига мувофиқ «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилади.
Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайлида қабул қилинади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.
Телефонлар: 71-256-37-38, 71-256-38-50.

МАЛАЙЗИЯЛИК МУТАХАССИСЛАРДАН МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ
Хамкорлик
Малайзиянинг "Мапах" эстетик косметология маркази мутахассислари Бухоро шаҳрида соҳанинг ёш ходимлари, бошловчи тадбиркорлар учун маҳорат сабоқлари ўтказишди.
— "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциациясининг мазкур лойиҳасидан қўзланган мақсад юртимизда косметология соҳасини ривожлантириш, ёш тадбиркорларнинг унга бўлган қизиқишини ошириш, тизим ходимларини илгор инновацион технологиялар билан таништиришдан иборат, — дейди ассоциация вилоят бўлими раҳбари Дилбар Аҳмедова. — Негаки, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда косметологиянинг ўрни катта. Шу нуқтаи назардан хорижлик мутахассисларнинг маҳорат сабоқлари айни муддао бўлди. Биз Бухорода "Мапах" эстетик косметология маркази филиалини очиб ниятидамыз.
Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.
«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК
«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-CEMASH» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори
олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар
МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар
занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар
санчкили юклагичлар
Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар
Ўзбекистонда
галлани тозалаш ва саклаш учун мажмуалар
гидравлика
Маҳсулот сертификатланган.
Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.
Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.
Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.
Тахриратта келган қўламлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.
• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳах — С. Исломов.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 02.35 Топширилди — 03.45 1 2 3 4 5 6